

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультети

Психология таълим йўналиши 4-босқич

талабаси Азиза Ташеванинг

Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси мавзусида ёзган БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Д.Б.Раҳмонова



Бухоро – 2012

Мавзу: Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси

Мундарижа

Кириш.

I боб: Ўз-ўзини англашни ўрганиш-ижтимоий-психологик муаммо сифатида.

1.1. Ўз-ўзини англаш муаммосининг илмий адабиётларда ёритилиши.

1.2. Миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш - ижтимоий-психологик муаммо сифатида.

II боб: Талабаларда ўз-ўзини англашни эмпирик таҳлил қилиш натижалари.

2.1. Талабаларда ўз-ўзини англашнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари

2.2. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикасини ўрганиш ва кўрсаткичларини аниқлаш

2.3. Олинган натижалар таҳлили.

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги. Республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб марказида шахс ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қаратилган катор чора-тадбирлар ётадики, бу жараёнда психологик ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шахс ва унинг ижтимоий муҳит билан боғлиқ ўзига хос психологик имкониятларига етарлича баҳо бермай туриб шахснинг тараққиётига ҳозирги замон талабларига мос тарбиявий таъсир этиш жуда мушкулдир. Табиийки, бу ҳолат психологлар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Қолаверса, Президентимиз И.А.Каримов томонидан алоҳида таъкидланганидек, “Ҳар қандай одам ҳам эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятда муносиб ўринни топиш керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожияларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишга олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.” **(Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин/ “Тафаккур” журнали. – Тошкент. – 1998 – 2-сон 11 б.)**

Дарҳақиқат, даставвал олий таълим муассасаларида ҳар бир талаба шахсига, унинг гуруҳдаги мавқеига таъсир этувчи ижтимоий психологик омилларга жиддий эътиборни қаратиш орқали бугунги кунда ўсиб келаётган ёш, бунёдкор авлодни жамият истиқболлари учун етарли даражада фидоий, ватанпарвар ва халқпарвар қилиб тарбиялаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Албатта, бу долзарблик замирида ҳар бир шахснинг мавқеи, ўз “менлиги” ва ўз-ўзини англашининг ифодаланиши билан боғлиқ ўзига хос индивидуал имкониятларнинг намоён этилиши каби ҳолатларни таҳлил қилиш ва шу таҳлилларга таяниб ҳар бир талаба шахсининг ўз-ўзини англаши муваффақиятли ташкил этилиши ётади. Чунки талабаларни

ўз-ўзини анлашини ўрганиш орқали ҳар бир талаба шахсининг ўзига хос ижтимоий-психологик тараққиётига ижобий таъсир этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан талабалар ўз-ўзини анлашининг муайян даражада шаклланиши, ривожланиши, яъни динамикаси муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, бугунги кунгача жуда кўплаб илғор ижтимоий психология вакиллари томонидан ўз-ўзини анлаш муаммосини ўрганишга бағишланган талайгина тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, хориж психологлари томонидан (Ж.Мартен, М.Дойч, Г.Келли ва ҳ.к.) талабаларга турли хил индивидуал имкониятларнинг рўёбга чиқариш мажмуаси сифатида қаралиб бир қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинган бўлса, рус олимлари томонидан эса (Г.М.Андреева, Я.Л.Коломинский, Б.Ф.Ломов, Р.С.Немов, ва бошқ.) талабаларнинг муайян жамоа сифатидаги шаклланиши ва ривожланиши ҳамда талабаларни ўз-ўзини анлаши билан боғлиқ кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Айни пайтда ўзбек олимлари томонидан ҳам (Э.Ғ.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, Ш.Р.Баротов, В.М.Каримова, З.Г.Нишонова, Р.И.Суннатова ва ҳ.к.) ҳар бир шахсдаги умумий ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларни миллий муҳит шароитидаги кенг қўламли имкониятларини очиб беришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотларнинг мавжудлиги бугунги ижтимоий психология фани истиқболларини белгилашда муҳим ўрин эгаллаб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Шунингдек, махсус ўтказилган тадқиқотлар борки, унда талабаларни ўз-ўзини анлашининг у ёки бу жиҳати чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган. Бинобарин, Америкада Д.Кортрай, Ф.Олпорт, К.Л.Хилл ва уларнинг шогирдлари томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқотларда уларнинг реал ҳаёт билан боғлиқ индивидуал муносабатлар мажмуасига алоҳида объект сифатида талқин қилинган. Шундай бўлсада, мазкур муаммо бўйича шунчалик кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, ҳанузгача аниқ йўналтирилган бирорта тадқиқотда талабаларни ўз-ўзини анлаш динамикасини кўрсатиш билан боғлиқ алоҳида эмпирик

тадқиқотлар олиб борилмаган. Чунки, йигирма биринчи асрга келиб инсоннинг психологик ресурсларига ва унинг ўзи дахлдор бўлган у ёки бу гуруҳда ижтимоий фаоллигига янада кенгроқ кўламда эътибор қаратилаётганлиги талабалар фаоллигини психологик хизмат доирасида талқин қилиш ва шу талқинлар орқали тегишли илмий хулосалар чиқаришга бўлган эҳтиёж ниҳоят ортиб бормоқда ва шулардан келиб чиқиб мазкур муаммо алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилди ва тадқиқот мавзуси **“Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси”** деб номланди.

Тадқиқот мақсади. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси билан боғлиқ эмпирик маълумотлар тўплаш ва унинг натижаларини тегишли ижтимоий психологик мезонлар асосида таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари.

1. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси муаммоси билан боғлиқ илмий адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси доирасидаги тадқиқот методикаларини танлаш ва қўллаш.
3. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикасининг ўзига хос хусусиятларини эмпирик жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг илмий фарази.

1. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикасининг муайян мезонларга эга бўлиши мумкин.
2. Бу жараённинг кечиши ҳар бир талабадаги шахслараро фаоллик, ўз-ўзини ҳиссий бошқариш, ҳамда ўз-ўзини англаш кўрсаткичларининг шаклланганлик даражаларига бевосита боғлиқ бўлиши эҳтимол тутилади.

Тадқиқотнинг объекти. Бухоро Давлат университети Психология таълим йўналиши 1-курс ва 4-курс талабалари. (жами 58 нафар талаба).

Тадқиқотнинг предмети. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси жараёни.

Тадқиқот методлари:

1. Талабалар ўз-ўзини англаши ва фаоллигини кузатиш ва улар билан индивидуал ҳамда гуруҳий суҳбатлар олиб бориш.
2. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида Т.И.Пашукованинг “Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улар шахсидаги эгоцентрик йўналишларини аниқлаш”анкета-тести, “Ўзингизни биласизми?” сўровномаси, “Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?” тести қўлланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар.

1. Шахс ижтимоий тараққиётида энг аввало ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи ўзига хос индивидуал гуруҳий ҳудудий ва этнопсихологик имкониятлар кўламининг нечоғлик даражада таркиб топаётганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунда талаба бевосита фаоллик кўрсатишга мойил бўлган ўз-ўзини англашнинг ўрни ва роли алоҳида нуфузга эгадир.
2. Расмий ва норасмий ижтимоий талабларга бевосита риоя қилувчи талабалар фаолиятидаги индивидуал ёндашув, ўз-ўзини англаш каби сифатларнинг намоён этилиши билан боғлиқ муайян кўрсаткичлар турли хил даражаларга эга бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- Тадқиқотда талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси жараёнининг махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилганлиги.
- Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикасига оид илмий-назарий манбаларнинг муайян мезонлар асосида таҳлил этилганлиги ва умумлаштирилганлиги.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, тадқиқотнинг натижалари ижтимоий психология фанидаги Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикасини янги илмий

маълумотлар билан бойитади ва талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси билан боғлиқ муайян тушунчаларни илмий жиҳатдан асослайди.

Тадқиқот материалларидан олий ва ўрта махсус таълим талабалари, гуруҳ раҳбарлари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, 4 та параграф, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 6 бетни ташкил этади.

I боб. Ўз-ўзини англашни ўрганиш- ижтимоий-психологик муаммо сифатида.

Дунёда энг қийин иш – ўз-ўзини англашдир

Фалес

Шиддат билан ривожланаётган бугунги давр инсонга моддий эҳтиёжларини қондиришдек бирламчи заруратлар қаторига сув ва ҳаводек зарур — илмни ҳам қўшдики, шу туфайли у ўзлигини англаб, тараққиёт сари дадил қадам қўймоқда.

Таъбир жоиз бўлса, уммонлар қаърига шўнғиш, коинотни забт этиш ҳам айнан илмнинг маҳсули эканини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугун саводсизлик — қалоклик, қолаверса, қашшоқликка етакловчи омилки, хусусан, муқаддас динимизнинг асл моҳиятидан беҳабар киши турли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бугунги кунда ёшларимизга ҳавас қилса арзийди, чунки мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларида ёшларимизнинг билим олишлари ва ўзларини намоён этишлари учун кенг қўламдаги ишлар амалга оширилиб имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бугунги кун ёшларимиз қандай йўналишда бўлмасин ўз билим савияларини ошириб боришда нафақат ўзимиздаги, балки чет эллик тенгдошлари ҳаёти билан ҳам танишиб уларнинг ҳаёти, келажакдаги орзулари, мақсад ва қизиқишлари, интилишлари, мақсадига эришишдаги қийинчиликка қандай ёндошиш ва уларни енгиб ўтишда қандай чоралар кўриш, билимларини оширишда қандай қўлланмалардан фойдаланиш лозимлиги, келажакдаги режаларини, ўз мулоҳазалари, фикрлари билан қизиқиб, кўникмалар ҳосил қилиши ва келажакда ўз сафдошлари, ҳамкорлари олдида юксак савияда иш олиб боришлари ўзларини намоён этишлари учун жуда муҳимдир.

Зеро келажак ёшлар қўлида экан, уларни қўллаб- қувватлаб бориш бизларнинг вазифамиздир.

Истиқлол туфайли юртимизда инсониятни бағрикенглик, поклик ва меҳр-оқибатга чорловчи муқаддас динимизни асраб-авайлашга, ёш авлодни

халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга ва айнан ўзлигини англашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Истиқлол баҳшида этган неъматлардан бири, шубҳасиз, **ўзликни англашга** бўлган даъватдир. Юзаки қараганда, ўзликни англаш жуда оддий тушунча. Аслида бир асрдан ортиқ даврда истибдод зулмини тақдирида кўрган халқ, миллат истиқлолга етган ҳамоно **ўзликни англашга** даъватни бениҳоя кенг қамровли ва бевосита келажаги учун ҳаётий зарурият тарзига кўчган янгича интилиш, тушуниш, нуқтаи назар яхлитлиги дейиш мумкин. Ўз қадрини билмаган одам ўзгалар қадрини тушунмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат.

Ўзликни англаш- ҳар бир одамдан ўзининг кимлигини, кадр-қиммати ҳаётдаги ўрнини билиш билан чекланмайди. Одам ёлғизликда ва бемаскан яшай олмагани каби халқдан, миллатдан, ватандан айрича бўла олмайди. Бинобарин, ўзи мансуб халқ, миллатнинг қадри, ўзи яшаётган Ватан мустақиллиги, иқболини англаш, ҳис этиш, улар учун қайғуриш ҳам ўзликни англашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзлигини англамаган кишида на миллат туйғуси, на Ватан қайғуси бўлади. Ундай кимса ошқозон билан нафас олиш, жиғилдон билан ўйлашдан нарига ўтмайди.

Ўзликни англашнинг таг заминида миллий онг, миллий туйғу, миллий ғоя, миллий анъаналар ётади. Шу билан бирга ўзликни англаш ҳаётий эҳтиёжлар ва заруриятларнинг юзага келишини тезлаштиради. Бу ҳол шахсни нафақат ўзлиги, балки миллат, халқ ва ватаннинг истиқболи, фаровонлиги учун ҳаракатга йўллайди. Демак, **ўзликни англаш- шахс, миллат ва давлат тараққиётини тезлаштирувчи маънавий - маърифий омилнинг ўзак томири ҳисобланади. У айти пайтда инсон ақл-заковати, туйғуси салоҳиятининг тобора юксакликка кўтарилишини таъмин этишга хизмат қилади.**

1.1. Ўз-ўзини англаш муаммосининг илмий адабиётларда ёритилиши.

Маълумки, шахсни кўплаб фанлар турли хил томондан ўрганади. Бир йўналиш биологик бўлса, бошқаси – социологик, яна бир тури индивидуал психологик ва ниҳоят, яна бир ёндашув ижтимоий психологикдир. **Биологик** нуктаи назардан шахс тараққиёти индивид наслий жиҳатдан орттирган генетик дастурларнинг амалда рўёбга чиқиши тарзида тасаввур этилади. **Социологик** ёндашув шахснинг маданий-тарихий муҳит таъсирида камол топишини тан олади. Улардан фарқли **индивидуал-психологик** ёндашув шахснинг ривожланишига унинг тана тузилиши ёки конституционал жиҳатлари ва асаб тизими типининг таъсири борлигини таъкидлаб, ўрганади.

Шахсни ўрганишнинг **ижтимоий-психологик ёндашуви** уни ижтимоийлашувнинг бевосита маҳсули сифатида қараб, унинг ижтимоий психологик тизимини бевосита ўраб тўрган ижтимоий муҳит таъсирида ўрганади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, ўз-ўзини англаши, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ – “Мен” – образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини белгилайди ва унинг баркамоллиги мезонларидан ҳисобланади.

А.Н. Сухов ва А.А. Деркачларнинг таъкидлашларида шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, аввало унинг фикрлаш тарзи, қадриятлари тизими, мотивацион белгилари (йўналганлик, ҳаётий мақсадлар, режалар, ҳаёт тарзи), когнитив сифатлар (ижтимоий тасаввурлар, ҳаёт манзаралари тўғрисидаги фикрлари), “Мен”-концепцияси, “Мен”-образи, ўзига муносабати, ўзига нисбатан баҳоси; ўзини назорат қилиш локуси, ўз-ўзини англаши, психологик билимдонлиги, ролли мақомлари, ижтимоий ҳис-туйғулари ва бошқалар назарда тутилади.

“Мен” – образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу

нуктаи назардан олиб қаралганда, тарбия - шахсининг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёнидир, деб таъриф бериш мумкин.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни, инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, ноъмакул сифатларни англамасликка, уларни “яширишга” ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (бу фикр австриялик олим З.Фрейд назариясига ҳам мос келади). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, салбий, ўзи учун ёқимсиз ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Мен” – образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб тўрган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гўёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда рефлексия деб аталади. Унинг моҳияти – айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия “Мен” – образи эгасининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингини учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсани сиз унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, ҳаёли бошқа ерда тўрганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айни шу пайтда “махмадона, лақмароқ” бўлиб қолганингизни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги хатога йўл қўймаслик учун “ўртоқ, шошмаяпсанми?” деб сўраб ҳам қўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар (“мен унга қандай кўриняпман?” дейиш) – рефлексиядир.


Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айникса, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган “катталиқ” ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги “Мен” – образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик ҳислатларининг ўзида айти пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғлиқ уйғун эканлигига боғлиқ бўлади.

Киши ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланган муносабатлар тизимига киради, одамлар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилади ва муносабатда бўлган ҳолда ўзини атроф муҳитдан алоҳида ажратиб кўрсатади. Ўзининг жисмоний ва психологик ҳолати, ҳаракатлари ва жараёнларининг субъекти сифатида ҳаётда акс этади. Ўзи учун «бошқаларга» қарши турган ва айти чоғда улар билан боғлиқ бўлган «Мен» сифатида намоён бўлади. Шахснинг бу ёшидаги ўзини англаши ўз хусусий «Мен» концепцияси қатъий шаклланади. «Мен» концепцияси - индивиднинг ўзи ҳақидаги нисбатан барқарор, кўпроқ ёки озроқ даражада англанилмаган, бетакрор деб ҳис қилинадиган тасаввурлар тизимидирки, индивид бошқалар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилади ва ана шунга асосланади. “Мен” концепциясининг моҳиятини очиб берувчи тавсиф таъсири шахснинг **ўз-ўзини англаш** босқичида ўзига хос таъсир этишини шарҳлаш бугунги кун муаммоларининг долзарблигини белгилайди.

Қуйидаги чизмада “Мен” концепцияси – бу ўз-ўзига йўл-йўриқ установа (Чизма №1) ва “Мен” концепцияси ва ўз-ўзига йўл-йўриқ мажмуасининг тузилмаси (Чизма № 2) берилган.

Чизма № 1.

«Мен»- концепциянинг тузилмаси



Чизма №2

«Мен»- концепциянинг тузилмаси

давоми



Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Шарқ мутафаккирлари ёшларнинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, **Абу Али ибн Сино** ижтимоий муҳитнинг шахсни шакллантиришда ўз-ўзини англаш ролини юқори баҳолайди. Ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг борлиқ, унда кечаётган ўзгаришлар, жараёнлар моҳиятини англашгагина эмас, балки унинг хулқида яхши ва ёмон сифатларнинг шаклланишига ҳам сезиларли таъсир этиши, шу боис болаларни тарбиялашда у мансуб бўлган микромуҳит хусусиятини инобатга олишни таъкидлайди. Болани ёмон таъсирлардан сақлаш зарурлигини уқтиради.

Абу Наср Форобийнинг уқтиришича, инсон бошқалар билан муносабатда бўлиш, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашларини ҳис этиш эҳтиёжига эга. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги амалий ҳаракатлар инсонни камолотга ва ўз-ўзини ангалашга етаклайди, деб ҳисоблайди.

Маълумки, Шарқ мутафаккирлари комил инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган ва бугунги кунда ҳам таълим-тарбия соҳасида кенг қўлланилаётган асарлардан бири бу “Қобуснома”дир. Бу асар инсон камолоти, ўз-ўзини англаши, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш ҳамда шахс тарбияси учун зарур бўлган панд ва ўғитларни ўзида мужассамлаштирган, халқчил асар бўлганлигидан бугунги кунда ҳам халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинади.

Кайковус билим ва ақлнинг аҳамиятини улуғлар экан, уни мол-дунёдан ҳам юқори қўяди: «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгилки, мол била бой бўлгандан, ақл била бой бўлгон яхшироқдур, нединким ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас»— деб таърифлар экан, инсон адаби ҳам ақлнинг белгиси, («ал-адаб-суратил ақл») дея

хулоса чиқаради.

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ёшлар тарбиясида —ахлоқ тарбияси ва шу орқали ўз-ўзини англаш деб кўрсатилади. У ёшларда инсонга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, адолатлилик, самийлик, сахийлик каби ҳислатларни таркиб топтиришни истайди ва асарнинг бошидан охиригача ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, Кайковус қарашларида инсон тарбияси омили муҳим ўрин тутadi.

Унинг хулқ-одоб қоидаларига қандай риоя этиш ҳақидаги, ёшларни адолатпарвар, инсонпарвар, саховатли, қаноатли, мурувватли бўлиши ҳақидаги қарашлари, айниқса диққатга сазовор.

Ҳозирги пайтда ам ўз аамиятини йўқотмаган. Бундай хулқ-одоб қоидалари инсон камолотини кўрсатувчи ўз-ўзини англаш масалаларида айниқса, намоён бўлади. Кайковус қуйидаги ҳислатларни ҳар бир киши ўзида таркиб топтиришни таъкидлайди. Булар: ўзидан зўр киши билан урушмаслик, ҳасадчи киши билан бирга жамоат ўртасида ўтирмаслик, нодон билан мунозара қилмаслик; риёкор, иккиюзламачи киши билан дўст бўлмаслик; ёлғончи киши билан муомала қилмаслик; бахил билан суҳбатда бўлмаслик; душман киши билан шароб ичмаслик; кишиларга сир айтмаслик; бирор киши айбингни айтса, шу айбни йўқотишга ҳаракати қилиш, бирор кишини ортиқча мақташ ёки ортиқча ёмонламаслик, муҳтож бўлган одамни ҳожатини чиқариш, кечиримли бўлиш, кичикларга меҳрибон бўлиш; бир ишни икки кишига буюрмаслик, яъни шериклик иш қилмаслик каби ҳаётий тавсиялардан иборатдир.

Булардан кўриниб турибдики, Кайковус ўз-ўзини англаш инсоннинг камолотини кўрсатувчи ахлоқий ҳислатлардан бири сифатида талқин этган.

Кайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳаётга тайёрлашда уларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга татбиқи нуқтаи назаридан ифодалаши билан ҳамма замонларда, ҳар қандай тузумда ҳам ўз қимматини йўқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Румий ижодида ўз-ўзини англаш моҳияти. Дунё сахнидан қанчадан - қанча буюк аломалар ўзларининг машъладек ёнган, шуъла сочган илм хазиналарини қолдирганлар. Бу хазиналар асрлар, йиллар ўтса ҳамки ўчмагай. Шарқ тафаккурининг мўъжизали сиймоси, тасаввуф тараққиёти, илму ҳикмат ва фалсафа, шеърият ва маънавият бирлашиб олий кўринишда намоён бўлган, ҳеч кимга ўхшамаган инсон Жалолиддин Румийдир. У шарқ шерияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан бурилишлар ясаган ижодкор.

Мавлононинг маржон каби тизилган байтлари, ҳаёт сарчашмасидан баҳра олган, замона зайлига чидаган, башариятнинг тафаккури ривожига ва ўзлигини англаши борасидаги қайғуришлар маҳсули деб биламиз.

Мавлоно инсониятнинг ўзлигини англаши, жамият равнақига ҳар бир инсон масъуллигини такрор – такрор уқтириб:

“Хом едим, пишдим, ёндим”. деб айтади.

Инсон ким ўзи? Инсоний қадр – қиммат, идрокнинг фақат сабаб ва баҳоналарига ёпишиб олган, турли кўринишдаги бир олам... Жонли бир Қуръон. Ўз ҳақиқатига қиёсланганда йўқ даражада кичик парчаси кашф қилиниши мумкин бўлган бир мавжудод...

Инсоннинг инсон бўлиб яралишида, одамийлигини англашида энг аввало кўнгилни билиши, тушуниши, англаш, ҳис этиши лозим. Кўнгил билан юритилган ҳар бир қадам инсонни чўққига, яхшиликка, юксакликка, комилликка чорлайди.

Шахснинг яшашдаги ҳар бир нафас олишида, ҳар бир фаолият кўрсатишида, қўяётган қадамида жавобгарлик ҳиссини туйиши – уни теран нигоҳ билан қараб туриб, дадил жавоб бера оладиган инсонийлик сифатини шакллантиради. Бунинг энг асосий сабабчиси илмлиликка йўғрилган фикрдадир. Бу борада Румий шундай деб айтади:

Илм фан деб ўлса, муқбил оти бор,

Бу ўлимда юз тириклик тоти бор

Илм фан деб жоннини фидо қилган одам, абадий ўчмайди. Унинг ўлимини юзта тириклик маззасига ўхшатмоқда.

Ўзлик— мен буни шундай англайман - уни кўриб, ушлаб бўлмайди. Уни фақатгина ҳис қилиш мумкин ва кўнгил орқали моҳиятини англаш мумкин. Ўзлигини йўқотган инсонни мен бир илдизсиз дарахт мисолида кўраман. Ўзликни англаш учун ақл, жон , рух биргаликдаги ҳаракатининг самараси инсоннинг ҳаётдаги топган йўлида белгиланади. Ўзликни англашда тарихнинг аҳамияти, кучини ана биз Румий асарларида кўрмоқдамиз:

*Ақлу идрок ҳам малакдек ҳар сабоҳ,
Лавҳи Маҳфуз сўзидин олгай сабоқ.
Сен адамда бўйла таҳрирларни кўр,
Ҳар сўзи савдогарларни гангитур.
Ул бирига боқки, бир андишада,
Ахтарур ганжи ниҳон ҳар гўшада.
Бошқаси кўнглида андоқ бир шукуҳ,
Тогда маданларни топсам, дейди у.
Ўзгаси фикри, хаёли ўзгадир,
Денгиз остига тушиб, излайди дур.
Ул бири роҳиб, ибодатхонада,
Бул бири деҳқон зироатхонада.
Йўлтўсар айлайди қочмоқни хаёл,
Дору дармонларни ўйлар хаста ҳол.
Чодир ичра гар парихондир бири,
Кўкда юлдузларга сайрондир бири.
Мухталиф ермиш амаллар, не ажаб,
Ичдаги рангин хаёллардан сабаб.
Ул бирига бул бира ҳайрон емиш,
Бул бирига ул бири нодон демиш.*

Бу ерда ақлу идрок инсониятни турли йўлларга бошлайди. Сен инсоннинг тузилишига қара- бири савдогарни лол қолдирса, бирининг юзи андишаликни касб этиб ҳар жойдан минг баҳона ахтаради, бирининг кўнглида бир жўшқинлик, тоғдан мадан қидириш билан овора, бошқасининг фикру хаёли умуман бошқача, у денгиздан дур қидириш билан овора, бири роҳиба ибодатхонада, яна бири деҳқон, бири ўғри қочишни ўйлайди, бири бемор дори – дармон ҳақида ўйлайди, бири ўзини чиройли деб билса, бири кўкдаги юлдузлар шайдоси. Бу амалларнинг барчаси инсоннинг ички кечинмалари, ички дунёсига ранг - баранглиги, турли - туман хаёлларга бойлигига боғлиқ. Бир инсон бошқа бир инсон кечинмасидан ҳайратланса, бир инсон бошқа бир инсон кечинмаларини нодонликка чиқаради дейди.

Бундан кўриниб турибдики инсоннинг фикру хаёлида еру осмончалик фарк бор, ҳар бири бир дунё. Бири бу бўлса, яна бири у кечинмани ифодалайди. Уларнинг ҳар бири ҳаёт йўлини топган саналсада, биридан ҳайратланасиз, яна биридан хафа бўласиз. Бунинг бариси инсониятнинг абадий қонунидир.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъий назар, энг аввало, унинг миллий онги ва ўз-ўзини англаш психологиясида ёрқин гавдаланади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир. Айни маҳалда шуни назарда тутиш зарурки, “ижтимоий онг — бу объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс этишидир. Шундай экан, ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир. Мазкур этник онгнинг таркибий қисмини уруғ, қабила, элат ва миллатларнинг онги ташкил этади. Этник онг ижтимоий онгга нисбатан конкрет тушунча бўлиб, унда уруғ, қабила, элат, миллатларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, ижтимоий психологияси, дунёқараши акс этади.

Абдулла Авлоний ва бошқа маърифатпарвар алломаларимиз XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятдан таълим-тарбия ишларини яхшилаш

ва ҳар бир шахснинг ўз-ўзини англаши ахлоқни юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини қайд қилган эдилар. А.Авлонийнинг таъкидлашича: “Тарбия –бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир”. Бу фикрларнинг аҳамияти ҳозиргача эътибордан четда қолгани йўқ. Ўзбек миллати фақат миллий маънавий камолот орқалигина юзага кела бошлаган миллий-маънавий бузулишнинг олдини олиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, Амир Темир одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия ва ўз- ўзини англаш соҳасида ўзи юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа ва ўз-ўзини англашга оид дастурлар, ўғитлар, панд-насиҳатларни ўқиб чиқиш кифоя.

Президентимиз асарларидаги ўз-ўзини англаш ғоясининг мазмунини ҳам зўравонлик йилларида меросимизни ўзлаштириш, урф-одатларимизни, анъаналаримизни ривожлантириш, қадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида бой берилган имкониятларни бугунги тараққиётимизга йўналтириш, ўзимизнинг миллий заминларимиз, имкониятларини юзага чиқариш, уларни умуммиллий дунёқарашнинг ажралмас қисмига айлантириш борасида ҳар биримизнинг тинмай фидоийлик кўрсатишимиз зарурлиги кўрсатиб берилган.

О.Ғайбуллаев фикрича , “ҳозирги замонда яшаётган ёшларнинг онгига Ватанни севиш, умуминсоний ахлоқий-маънавий қадриятларни сингдириш, миллий ўзлигини англаш; меҳр-шафқатли, виждонли, андишали қилиб тарбиялаш” да миллий онг ва унинг асосий таркибий элементлари бўлган тарихий онг ҳамда тарихий хотиранинг роли улкан бўлиб, улар катта аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлган миллий онг ва ўз-ўзини англаш -ўзининг маълум этник гуруҳга мансублигини, ватанининг тарихи, аجدодлари қолдирган анъаналар, маросимлар, мерос ва амалий тажрибани, миллий манфаатларни умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур англаши, муайян муштарак ғоя ва мафкурага таяниб, ўз

халқи ва ватанининг истиқлоли ва истиқболи йўлида фидокорона хизмат қилиши, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва манфаатларини ҳурмат қилишидир.

Ҳар бир халқнинг миллий онги ва ўз-ўзини англашининг ўсиб бориши унинг миллий маънавияти ривожланиши даражаси, имкониятлари билан белгиланади. Бошқача айтганда, етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг натижаси сифатида юзага келади. Ҳар қандай миллат ўз кадр-қимматини билиши ва англаши, келажакка комил ишонч билан бориши умумий миллий маънавият, миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира ва дунёқарашнинг ўзаро диалектик бирликда ривожланиши билан белгиланади.

Қадимий бой меросимизнинг қимматли манбаларини юзага олиб чиқиш, уни ҳозирги замон педагогик-психологик тафаккури истеъмолига киритишдан мақсад аجدодларимизнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши, тарбияси, инсоният тафаккури тарихи, унинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ривожланишида тутган ўрни ва мавқеини билиб олиш ҳамда янги давр шароитида баркамол шахсни шакллантиришда фойдаланишдан иборат. Яратилган ҳар бир рисола, ҳар бир таълимий-ахлоқий асар ўзига хос таълим ва тарбия жиҳатдан маълум қимматга эга. Ушбу манбаларнинг тарбиявий имкониятлари ва талабаларда ўз-ўзини англашини шакллантиришдаги аҳамияти ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Демак, ўз-ўзини англашда-ахлоқий асарлардан мисоллар танлашда ва таълим жараёнида талабаларни фикрлашга ўргатиб, тафаккурини ривожлантириш, билим олишга қизиқишини ошириш зарур. Айни пайтда талабаларнинг ўз-ўзини англашини текшириш ва билиш учун мунозара, шарҳли ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, кузатиш, савол-жавоб, билимларни синаш, кўргазмали тажриба каби усулларни қўллаш яхши натижалар беради.

1.2. Миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш – ижтимоий-психологик муаммо сифатида.

Этнология, этнопсихология, ижтимоий психология ва фалсафа каби фанларга оид аксарият адабиётларда миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш тушунчалари деярли фарқланмасдан, синоним сўзлар сифатида ишлатиб келинади. Тугри, улар ўртасида мазмунан узвий боғлиқлик ва яқинлик бор. Улар бир жараённинг турли босқич ва даражаларидир. Шундай бўлса ҳам уларни алоҳида - алоҳида тушунчалар сифатида ўрганиш даркор, Миллий онг этник тараққиётнинг илк босқичларида вужудга келган этник онгнинг давоми бўлиб, ўзининг маълум миллатга (этник бирликка) мансублигини англаш ҳисобланади.

Миллатнинг ўз-ўзини англаши-этник психологиянинг анча кейин вужудга келган мураккаб феномени ҳисобланиб, у миллий онг асосида вужудга келади ва унинг тузилмасига киради. Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг ўз манфаат, мақсад ва мотивларини англаб етиш даражасини билдиради. Шунингдек у, миллат томонидан ўзининг ўтмиш тарихи, этник келиб чиқиши, миллий ғоялари, келажаги, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини билиши бўлиб, ватанпарварлик, миллий ғурур, шаън, бурч кўринишларида намоён бўлади.

Агар инсоннинг миллий онги унинг миллий мансубликни англаш орқали, миллат ҳаётидаги воқеаларга билдираётган муносабати бўлса, миллий ўз-ўзини англаш эса, миллий манфаатларни билиш, англаш даражасини билдиради. Бу даража нечоғлик юқори бўлса, миллий ўз-ўзини англаш ҳам шу даражада бўлади.

Миллий онгнинг энг дастлабки кўриниши бўлмиш этник онг йиллар давомида эмас, асрлар давомида ягона тил, ҳудуд, ахлоқ ва урф-одатлар бирлиги асосида вужудга келади. Бунда айникса, этнос аъзолари келиб чиқишидаги умумийликни англаш муҳим омил ҳисобланади. Этник бирликнинг дастлабки кўринишлари ҳисобланган уруғчилик ва қабилалачилик

даврларида бу хил тушунчалар бир томондан қариндош-уруғлар ўртасида қудандачилик қилиш шаклида намоён бўлган бўлса, иккинчи томондан, келиб чиқиши бир ота-онадан (бир асосдан) эканлиги ҳақидаги тасаввурларни сақлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи халқларда умумий келиб чиқиш бирорта жонивор (зооморф) номи билан боғланади. Буни биз атокли қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасида келтирилган қирғизларнинг бош онаси – Шохдор она буғу афсонасида кўришимиз мумкин.

Этник онгнинг энг муҳим ижтимоий вазифаси - одамнинг маълум этник гуруҳга мансублигини англаш ва ҳис қилишини таъминлашдир. Агар этник психологияда этник онг ва этник ўз-ўзини англаш каби муҳим компонент (унсур)лар бўлмаганда эди, миллий урф одат ва анъаналар, миллий характер, миллий туйғулар ва диднинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиши қийинлашиб қолган бўларди.

Миллий онг қотиб қолган нарса бўлмай, халқнинг тарихий ривожланиши жараёнида ўзгариб, юқори босқичга - миллий ўз-ўзини англашга ўтади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг бирлиги ва жиқслигини таъминловчи, миллат мавжудлигининг асосий омилларидандир. Миллий ўз-ўзини англашнинг тараққиёт даражаси тарихий, ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади. Бу маълум тарихий даврларда миллатнинг ички муаммоларига эътиборнинг кучайиши, ўтмишга қизиқишнинг ортиши, ўзининг оғир иқтисодий аҳволи сабабларини англаб етишга интилиши каби кўринишларда намоён бўлади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат ҳаётидаги мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, унинг ривожланишига жамият ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятлар билан бирга халқаро ҳаётидаги воқеа ва ҳодисалар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбекистоннинг Миллий мустақилликка эришиши хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий алоқалари миллат

вакиллари онгида катта ўзгаришлар бўлишига, миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланишига ва бойишига олиб келди.

Миллий ўз-ўзини англашда миллат зиёлилари етакчи роль ўйнайдилар. Улар ўз миллий тилида санъат ва адабиётни ривожлантириш, миллий қадриятлар учун қайғуриш орқали миллий манфаат ва ғоялар учун курашиб, миллий ўзликни ривожланишига хизмат қиладилар. Бу кураш, айниқса, миллий тил, қадриятлар камситилган, миллий манфаатлар хавф остида қолган пайтларда кучаяди.

Миллий ўз-ўзини англашда маълум субъективизм мавжуд бўлиб, у муайян тарихий ва ижтимоий даврларда ўз йўналишини ўзгартириб туриши мумкин. Баъзан бу йўналиш ўз чегарасидан чиқиб, “миллатчилик”, деган хавфли, хатарли ҳолатни туғдирадики, миллий ўзликни бошқа этник гуруҳларга қарама - қарши қўйиш, миллий маҳдудлик каби номақбул кўринишларга айланади.

Миллий мансубликни англаш билан боғлиқ хусусиятлар анча барқарор бўлиб, доимо ижтимоий-сиёсий, тарихий ўзгаришлар таъсирга берилмаслиги ёки нисбатан кам берилиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, тарих тақозоси билан ўз Ватанидан ажраб бошқа юртларга бориб қолгани ва у ерда узоқ вақтлар давомида яшаётган кам сонли миллат вакилларида миллий онгнинг шаклланиши ва сақланиши ўзига хос қонуниятлар асосида кечади. Уларнинг миллий тилни сақлаш, миллий урф-одат ва анъаналарга риоя қилиш имкониятлари, миллий қадриятлар билан бевосита алоқаси маълум даражада чекланган. Бундай шароитда ҳар бир авлод вакилида этник онг катта авлод томонидан берилаётган маълумотлар, оила аъзолари ва яқин қариндошлар ўртасида сўзлашув воситаси ҳисобланган она тили, миллий маданият ҳақидаги билимлар асосида вужудга келади. Турли даврларда узоқ ажнабий юртларга бориб қолган миллатдошларимизнинг ҳаёти бунга мисол бўла олади. Хусусан, Америкада яшаётган ўзбеклар бир-бирлари билан яқин муносабатларни сақлаш, ўзаро суҳбатларни она тилида олиб бориш, миллий таомлар

тайёрлашга ва яна энг муҳими ўзаро куда-андачилик қилишга ҳаракат қиладилар. Умуман бир неча ўн ва юз йиллар давомида ажнабий юртларда яшаётган миллатдошларимизнинг психологик хусусиятларини илмий асосда ўрганиш тадқиқотчига муҳим маълумотлар бериши мумкин.

Этник бирлик каттароқ ва кучлироқ этнос қуршовида қолганда, ёки таъйикқа учраганда, этник онг анъанавий моддий ва маънавий маданиятнинг турли шакллари (тил, дин, урф-одат, қадимий кўшиқлар, миллий кийим ва х.) таъсир кўрсатиб, этник хусусиятларни ҳимоялашга, сақлаб қолишга ёрдам беради. Шулардан кўриниб турибдики, этник онг этник жараёнларнинг махсули бўлибгина қолмай, шунингдек, этник жараённинг маънавий соҳасига таъсир этувчи омил ролини ўйнайди.

Тоталитар тузум - шўролар даврида ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши ўз тарихи, маданий мероси, буюк аجدодлар ҳаёти ва ижодини ўрганишга қизиқишнинг ортишида, миллий тилнинг ижтимоий ва ҳуқуқий вазифаларини кенгайтиришдаги ҳаракатларда, моддий ва маънавий бойликларни сақлашдаги интилишларда, Ўзбекистоннинг реал мустақиллигини таъминлаш учун қилинган сиёсий сайъ-ҳаракатларда кўринади. Зеро, миллий ўз-ўзини англашнинг дастлабки босқичларида ўз миллатининг тарихи, буюк шахслари билан фахрланиш, уни кўкларга кўтариш тарзида бўлади. Буни биз барча миллий озодлик ҳаракатини бошидан кечирган халқлар тарихида кўришимиз мумкин. Хусусан, XIX аср бошларида ижод қилган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Авлоний каби ижодкорлар фаолияти бунга мисол бўла олади, 80-йиллар охири собиқ Иттифоқ аталмиш империянинг қулаши арафасида буюк бобомиз Амир Темур номининг тикланиши, миллий байроқ кўтарилиши, шу байроқ остида миллатни бирлаштириш учун ҳаракат қилиниши бежиз эмас эди. Бунинг учун бобомиз, ҳаёти ва фаолияти, қахрамонликликлари ҳақида ёзилган китоблар чоп этила бошланди. Тарихий ҳақиқат тикланиб, унинг жаҳон тарихидаги ўрнига берилган баҳолар билан миллат таништирилди миллатнинг эгилган шаъни, ғурури тиклана бошланди. Аллома боболаримиз Бухорий,

Яссавий, Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий кабиларнинг номларини халққа қайтарилиши, уларнинг китобларини чоп этилиши каби жараёнлар миллатнинг ўз-ўзини танишини юқорироқ босқичга олиб чиқди.

Афсуски, ҳозирги пайтгача, фанда индивидда ўзининг этник бирликка масъуллигини англаш, яъни этник онг неча ёшдан вужудга келишлиги ва бу жараён қандай босқичларда ўтишлиги аниқланмаган. Швейцариялик психолог Жан Пиаже икки юзга яқин болаларни муайян вақт давомида кузатиш ва ўрганиш орқали уларда ҳеч қандай миллатчилик ва миллий мансубликни англаш каби билим ва хусусиятлар бўлмаслигини, яъни болалар ўзларининг энг дастлабки ривожланиш босқичларида “интернационал” бўлишлиги, этник хусусиятлар ва этник онг кейинчалик, маълум таълим-тарбия ва ижтимоий муҳит орқали шаклланишини аниқлаган.

Бизнинг фикримизча, болалар ўзларининг у ёки бу этник бирликка мансубликларини, аввало, ота-оналарининг қайси этник бирликка мансубликларини англаш орқали билиб оладилар.

Ота-оналари турли миллатга мансуб бўлган болалар ота-оналаридан бирининг миллатини қабул қилади. Бу эса оила яшаётган мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳукукий, маданий-маиший каби бир қанча вазиятларга боғлиқ бўлади. Кўпинча бунда этник вазиятлар, ота-она мансуб бўлган этносларнинг сон нисбати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Миллий мансубликни англаш, инсоннинг бутун умри давомида сақланиб, бошқа юртларда яшаётганда ҳам унутилмайдди. Аксинча, ўз этник гуруҳини, юртини соғиниш, қўмсаш сифатида намоён бўлади. Шахснинг хулқ-атворларига ва бошқа руҳий хусусиятларига таъсир этиб туради.

Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган, теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Ватан ҳимоясига тайёрланаётган ёшларимизнинг ҳар бири юксак ватанпарварлик руҳида тарбияланиши шарт. Ватанпарварлик–юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Ватанпарварлик

комилликнинг энг ёрқин жиҳатларидан биридир. Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда «Ватанни севмоқ - иймондандур» деб даъват қилинади. Ваҳоланки, ўтмишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқнинг бугунги авлодлари, ўз меросларининг жаҳон халқлари томонидан эътироф этилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир, зеро уларда бу каби ҳис – туйғулар миллий ғурур ҳамда рухий баркамолликка етаклайди, миллий ўзлигини англашга интилишини кучайтиради.

II боб: Талабаларда ўз- ўзини англашни эмпирик таҳлил қилиш натижалари.

2.1.Талабаларда ўз-ўзини англашнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари

Жаҳон психологиясининг бой тажрибаларига ва шахсий кузатишларимизга қараганда, шахс ижтимоий (шахслараро) муносабатларнинг махсули эканлиги — унинг онгини ва тафаккурини ижтимоий шарт— шароитларга, муайян атроф муҳитнинг вазиятларига мослашиш жараёни ундан дунёқарашни, маълум билимларни, тажрибаларни, миллий ва умумбашарий ахлоқий мезонларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бу ижтимоий воқелик, ҳодиса ўз навбатида алоҳида, чуқур билим олиш, ўз-ўзини англашни тақозо этади.

Ҳозирги замонда юз бераётган ўзгаришларнинг кўп — ёқламалиги, жумладан, ахборотнинг мўл —кўллиги, соҳалараро билимлар салмоғининг тезкор ошувчанлиги билим олувчининг ички психологик ҳолатининг фаоллиги кучайишини талаб қилмоқда. Комиллик даражасининг бу босқичига эришиши учун инсон ўз ички руҳий фаолиятида узлуксиз равишда ўзини ўзи назорат қилишни, бошқаришни, ўзига ўзи буйруқ беришни,ўз-ўзини англашни, ўзини ўзи баҳолашни, ўзини ўзи камолга етказишни ўз- ўзидан юзага келишига эриша олиши даркор.

Ўз- ўзини англаш ва ҳис этиш, камолга эришиш йўл йўриқларини ўрганиш ҳамда унга етиш жараёни ижтимоий — тарихий ривожланишнинг ҳар бир босқичида, қолаверса бизнинг замонамизда ҳам долзарб муаммоларнинг бири бўлиб келмоқда. Бизнингча, инсоннинг ички психологик фаоллигида нарса ва ҳодисаларга нисбатан чуқур масъулиятни ҳис этиш, ички мукамал назорат қилиш механизми мавжуд бўлмаса, у ҳолда уни ташқаридан(ташқи) ҳеч қандай ижтимоий куч ёки қонун — қоидалар назорат эта олмайди.

Шу билан бирга мақсадга мувофиқ интилишга мутаносиб(мос) объектив ва субъектив шарт —шароитда инсон томонидан ўзини ўзи камол топтиришда, ўзини ўзи рўёбга чиқаришда унинг ўзи юзага келтирадиган тўсиқдан бошқа тўсиқ бўла олмайди.

Шунинг учун ҳам шахс фаоллигининг икки томони ички ва ташқи томонлари мавжуд бўлиб, улар ҳамма вақт ҳам бир бирига мувофиқ келавермайди. Инсоннинг руҳиятидаги бу ички(субъектив) ва ташқи ижтимоий психологик муҳитларнинг номувофиқлиги (номутаносиблиги)нинг маҳсули сифатида шахснинг индивидуал ҳамда миллий (ижтимоий) онги шаклланади. Бу ижтимоий қарама — қаршилиқ онгда ўзини ўзи мукаммал назорат қилиш, бошқариш, баҳолаш, ўзига ўзи буйруқ ва тасалли бериш, ўзини ўзи рўёбга чиқариш ҳамда камолга етқариш орқали шахс онгининг ички яхлитлигини таъминлаш эҳтиёжи вужудга келади. Ўз-ўзини англаш жараёнини чуқурлаштириш ижтимоий муносабатларга мос уйғун бўлишини тақозо қилмоқда. Жамиятимизнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва олий бойлиги бўлмиш инсоннинг ўзини ўзи камол топтириш ҳозирги замон манфаатлари нуқтаи назаридан ёш авлодларга миллий онг ва маданий, маънавий қадриятларимизнинг меросий маҳсули ҳисобланмиш этнопсихологик хусусиятларнинг салмоқли таъсирини ҳисобга олган ҳолда яратишни талаб қилади. Мана шу хусусиятларга ва ижтимоий — тарихий тажрибаларга асосланган ҳолда ҳар миллатда миллий онг, миллий қиёфа шаклланади.

Инсонни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялаш инсониятнинг азалий ва доимий орзуси бўлиб, аجدодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун, қоидаларини излаганлар. Биз инсон тарбиясига оид таълимотдан ҳозирги даврда ҳар томонлама камол топган эркин, баркамол инсонни шакллантиришда фойдаланиш, уни таълим-тарбия таркибига киритиб, ҳаётга тадбиқ этиш энг муҳим талаблардан деб ҳисоблаймиз.

Ўз-ўзини баҳолаш – шахснинг ўзи томонидан ўзига, ўз имкониятларига, бошқалар орасидаги фазилатларига ва ўз ўрнига баҳо берилишидир. Бу шахснинг ўзини англаб етишини психологияда анча муҳим ва энг кўп ўрганилган жиҳати ҳисобланади. Ўзига ўзи баҳо бериш орқали шахснинг хулқ - атори тўғрилиб, тартибга солиб турилади.

Инсон онгининг бир кўриниши; шахснинг ўз-ўзини англаб етиши, «мен», «ўзим» туйғусининг маъноларига тушуниши. Шахснинг дунёқараши, ахлоқ-одоби ҳамда ўз-ўзига танқидий муносабати ёки юксаклигини ҳис этиш ҳолатлари ҳам ўзини англаш жараёнига киради. Кўпгина руҳий хасталикларда ўзини англаш бузилади.

Ўз-ўзини камол топтириш инсонга ўзининг ютуқ ва камчиликларини, бошқаларга ўхшамаган жиҳатларини яхши англаб олишига имкон беради. Натижада инсон фазилатларини янада ошириб, нуқсонларини бартараф этишга, ўзига ҳослик топишга интилади.

Ҳар қандай соғлом одам гўдаклик пайтиданок ўзлигини била бошлайди ва бутун ҳаёти давомида ўзи ҳақида кўп нарсани билиб олади. Аммо биров ўзи ҳақида кўп нарсаларни билиб олса, бошқаси эса озроқ билади. Сабаби ҳамма ҳам ўз-ўзини англаш йўлида қатъий мақсад билан мунтазам шуғулланмайди. Ахир, “Сен ички оламингга назар ташлаб, ўзингни билишга бир ҳаракат қилиб кўр-чи, ўшанда билишнинг ҳамма нарсадан қийин эканини тушуниб етасан” деган ҳикматли фикр бежиз айтилмаган. Ўзининг сифат ва ожизликларини билмаган инсон ўзини ҳам билмайди. Фалес ҳам шундан келиб чиқиб “Дунёда энг қийин иш – ўз-ўзини анлашдир” деган. Ўзини билган одам ўзи учун нима фойда-ю, нима зарар эканини, нима унинг қўлидан келади-ю, ниманинг уддасидан чиқа олмаслигини ҳам яхши билади. Шундан келиб чиқиб, ўз-ўзини тарбиялаш инсоннинг ахлоқий бурчидир. Баркамоллик бўлмаган жойда маданият йўқ, маданият бўлмаган жойда эса баркамоллик ҳам, ўз-ўзини анлаш ҳам бўлмайди.

У ҳолда англаш ва англамаслик нима ўзи? **Англаш** – шахс томонидан ички ва ташқи мавжудликни билиш жараёни ҳисобланади. Инсон англашни инкор этганида мавжудликдан бегоналашиш усулларида бирини танлайди. Бу мол-дунё орттириш, нимагадир эришиш истаги, жинсий мулоқот, саёхат, иш-мансаб, телевидениега берилиб кетиш ва бошқалардир.

Англамаслик – инкор этишнинг иродавий йўналиши бўлиб, англашни бостириш ёки бузишдир.

Демак, **ўзликни англаш** – инсоннинг ўз-ўзига келтираётган зиён-заҳмати, хатоларини кўрсатиб беради. Биз ўз ҳаёлларимизни яхши кўрганлигимиз учун ҳам, ўзимиз ҳақимиздаги ҳар қандай ҳақиқатни ҳам тан олавермаймиз. Бу инсон табиатининг ҳали унчалик камол топмаганидан далолатдир. Башарият таълимга, ўз-ўзини тарбиялашга ва номукаммаллигини англашга ёрдам берувчи билим – маърифатга ҳамиша муҳтож бўлиб яшайди. Энг муҳими, ўзлигимизни анлаш орқали ўз ҳаёт фаолиятимизни тўғри ташкил этишга ўзрганамиз. Аслида инсоннинг асл мақсади ҳам шу эмасми?! Ўз-ўзини англаш ёрдамида одам ўзини субъект сифатида англайди ва баҳолайди, ўзининг бошқа кишилардан фарқи ва уларга ўхшашлигини англайди, ўзининг бир бутун микрокосм сифатидаги «мен»ини унинг уникал индивидуаллиги ва бетакрорлигида, бу микрокосмнинг ташқи дунё билан муносабатида англаб олади.

Инсоннинг ўз-ўзини англаши орқали онг одамнинг дунёга, ундаги анланган борлиққа фаол муносабат функциясини бажаради, шунингдек одам фараз қилинган вазиятда ўзининг келгуси ҳаракатларининг дастлабки режасини тузганида ва келгусида бу ҳаракатларнинг эҳтимол тутилган натижалари ва оқибатларини олдиндан кўрганида онг мақсадни кўзлаш функциясини амалга оширади.

Ўз-ўзини англаш ёрдамида, шунингдек, онгнинг бошқарувчилик функцияси тартибга солиб турилади, зеро одамнинг анланган фаолияти шахснинг ўз-ўзини бошқариши ҳамда ўзининг хатти-ҳаракати, қуршаб тўрган

дунёга ва бошқа кишиларга муносабати устидан назорати билан узвий боғлиқдир. Ўз-ўзини англаш, бу - ўз моҳиятини, одам борлигининг мақсади ва маъносини тушунишга интилган онгнинг фаол равишда, муайян мақсадда ўз-ўзига йўналишидир, ўз имкониятлари ва қобилиятларини амалга ошириш имкониятидир, бошқача айтганда, шахснинг ўз кўзи олдида ва бутун жамият кўзи олдида ўз-ўзини актуаллаштириш имкониятидир.

Инсонда энг олий тафаккур ва амал бир бутунликда кўринади. Яъни рух ва жисм бирлигида яратувчанлик, ихтирочилик ва билимдонлик каби хусусиятларга эга эканлиги билан **ўзликка, ўзлигини англашга** ва шу билан бирга янгиликка интилади. Шунда юқори даражада ривожланган онг аниқроғи ақл ҳиссий яхлитликда шахсни жамият учун тарбиялайди. Ўзликни англаш ғояси мушоҳада натижасида олий онг тушунчаси таркиб топади.

Ўз-ўзини англашни ривожлантириш, ўз ўрнини топиш эҳтиёжи талаба учун характерли хусусиятдир. Бу эҳтиёж инсон шахсига қизиқиш, инсонларнинг ишларига, уларнинг асосланган доирасига таҳлилий ёндашиш туйғуларини шакллантиради.

Ўз-ўзини англаш ҳиссиёти ривожланишнинг маълум босқичида талабада ҳаётда ўз ўрнини топиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу эҳтиёж шахснинг ижтимоийланувчи жараёни, илгариги ҳаётини тажрибаси, руҳий ва жисмоний ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қандай ўтишига боғлиқ равишда ниҳоятда қарама-қаршиликда намоён бўлади.

Ўз мавқеини белгилашга интилиш талабалик вақтида тез-тез намоён бўлиб турадиган фаол мустақилликнинг ўсиши билан қўшилиб кетади. Ҳозирги талабаларнинг интеллектуал ривожланиши айрим ҳолларда энг аввало атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабат ва ўзаро таъсирда олий маънавий туйғу ва ахлоқий ҳатти-ҳаракат тажрибасида ўзиб кетади.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланган бир шароитда талабаларда ўз-ўзини анлашни камол топтириш қатор омиллар таъсирида амалга оширилади.

Ўз-ўзини англаш- шахснинг барча муҳим хусусиятларини ва маънавий сифатларини яхлит ҳолга ўз ичига олади.

Шахснинг ўз-ўзини англаши компонентларига қуйидагилар киради: дўстлик, ўртоқлик меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик, саҳийлик, хушмуомилалик, жамоа ичида ўзини тута билишлик, ҳаёилик, ҳурмат билан муомала қилиш, озодалик, хушчақчақлик, хушфеъллик, мардлик, самимийлик, лутфи карамлилик, рўзгорпарварлик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, она-юрт ва халқига муҳаббатлилик, инсофлилик, диёнатлилик, ростгуйлик, ҳалоллик, ор-номуслилик, тўғрилиқ, поклик, сабр-андишалик, вазминлик, ҳожатбарорлик, меҳнатсеварлиқ, ўтмишга ҳурмат, инсофлилик, иймонлилик, миллий ғурур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, Ўзбекистон герби, байроғи, мадҳиясига ҳурмат, онгли интизом ва бошқа миллий маънавий-ахлоқий фазилатлар киради. Шулардан айримларига изоҳ берамиз.

Ватанпарварлик. Ватанпарварлик Ватанга муҳаббат, унинг ҳимоясига тайёр бўлиш, ватаннинг гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилиш демакдир.

Ёшлар – Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширар эканмиз, аввало улар зиммаларига юклатилаётган мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, унга ўзларини ҳиссаларини қўшишлари лозим. Зеро, Ватанни севиш, унга меҳр-муҳаббат қўйиш бевосита ҳар кимнинг шу юрт равнақи йўлида амалга ошираётган бунёдкорона ишлари билан белгиланади.

Меҳнатсеварлик. Бу ўз-ўзини англашнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Меҳнатга масъулиятли муносабатнинг асосий бегилари: беғаразлик меҳнат мажбуриятларига онгли, масъулиятли ёндашиш, интизомлилик, ижодий изланиш, ташаббус, фаолият натижаларини олдиндан кўра билиш ва мустақил қарор қабул қилиш, жамоатчилик ҳамкорлиги, ўртоқларига ёрдам кўрсатишга тайёргарлик, меҳнат кишисининг қадр-қиммати туйғусини ривожлантириш.

Онгли интизом. Интизом деганда бурчни бажариш - шахсий ва ижтимоий, давлат, шахсий ва жамоатчилик мажбуриятларини кам-кўстсиз бажариш ҳамда ижтимоий ҳаётда кишиларга жамият қабул қилган ҳатти-ҳаракат меъёрларида амал қилиш тушунилади.

Ахлоқий идеал талабаларнинг ҳаётий режаларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Идеал ва ҳаётий режаларнинг ўзаро бир-бирига таъсири талабаларнинг ахлоқий туйғу ва иродаси, ўз-ўзини англашининг ривожланиш даражаси билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, ахлоқий сифатларни шакллантириш ҳар бир педагогнинг ахлоқий онг, ахлоқий туйғу ва ахлоқий феъл-атворни кўзда тутган ҳолда шахсга бутунлигича ёндашиш тизими орқали амалга оширилади. Шу билан бирга ўз-ўзини англашда-ахлоқий асарлардан мисоллар танлашда ва таълим жараёнида талабаларни фикрлашга ўргатиб, тафаккурини ривожлантириш, билим олишга қизиқишини ошириш зарур. Айни пайтда талабаларнинг ўз-ўзини англашини текшириш ва билиш учун мунозара, шарҳли ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, кузатиш, савол-жавоб, билимларни синаш, кўргазмали тажриба каби усулларни қўллаш яхши натижалар беради.

Давлатимиз истиқболини яратувчи маънавий етук, маърифатли, руҳияти баланд, жисмоний соғлом, вужудида Ватан туйғуси, истиқлол ғояларига садоқат руҳи жўш ўрган ёш авлодни вояга етказиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдалана билишимиз даркор. Зеро одамлар маънавиятли, маърифатли бўлса, жамият фаровон, давлатимиз қудратли бўлади. Барча соҳаларда адолат, инсоф, диёнат, қонунийлик маданияти, сўз ва иш бирлиги ўсиб улғаяди.

Биз тадқиқот ишини Бухоро Давлат университети 1 ва 4 курс талабалари ўртасида олиб бордик. Биз аниқлашимизча, 1 ва 4 курс талабалари бир биридан фарқли ўлароқ ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини англашда ўзига хос имконият, билим, малака ва тажрибага эга .

Тадқиқотимизни қуйидагича икки босқичда амалга оширишни мақсадга

мувофиқ деб топдик.

Биринчи босқичда талабаларнинг ушбу мавзуга оид маълумотлари, тушунчалари ва билимлари ўрганилди. Иккинчи босқичда уларда ўз-ўзини англашининг шаклланганлик даражаси аниқланди. Талабаларда ўз-ўзини англашнинг шаклланганлиги бўйича маълумотга эга бўлиш мақсадида суҳбат, махсус сўровномадан сўнг тестдан фойдаландик.

Тажриба материалларини йиғишда даставвал респондентлар билан қисқача танишув суҳбати ўтказилиб, тадқиқот мақсади, вазифалари билан таништирилганидан сўнг уларнинг мазкур тадқиқотда иштирок этишга розилиги олинди. Тадқиқот респондентлари билан ўз-ўзига баҳо бериши, ўз-ўзини бошқара олиши ва ўз-ўзини англаши мавзуларида суҳбат билан бошланди. Уларнинг ўз-ўзига баҳо бериши, ўз-ўзини бошқара олиши ва ўз-ўзини англаши каби масалаларга оид фикрлари, муносабатлари ўрганилди. Суҳбат давомида респондентлар эътиборига «Ўзингизни биласизми?» мавзусидаги сўровнома, Т.И. Пашукованинг ““Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улар шахсидаги эгоцентрик йўналишларини аниқлаш”анкета-тестиҳамда Р.Тошимовнинг “Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?” тести тавсия этилди. Тадқиқот бир неча қисмдан иборат бўлиб, биринчиси талабаларда ўз-ўзини англашнинг шаклланганлиги, иккинчиси талабаларнинг ушбу масалага билдирган муносабатлари, учинчиси уларнинг ҳаракатлари , яъни сўровнома ва тест саволларига самимий жавоблари билан белгиланди.

Кейинги бўлимларда методикалар тавсифи ва олинган натижалар таҳлили берилган.

2.2. Талабаларда ўз-ўзини англаш динамикасини ўрганиш ва кўрсаткичларини аниқлаш

Маълумки, талабалик даврида ёшларнинг “Мен”и қайтадан шакллана боради. Унинг атрофидагиларга айниқса ўз-ўзига бўлган муносабати, қизиқишлари, қадриятлари, йўналиши кескин ўзгаради. Унинг ўз шахсига бўлган эътибори кучаяди. Бу даврда ўз-ўзини англаш ва шахс эгоцентризми бошқа даврдагиларга қараганда энг юқори даражага етади. Бу даврда талаба ўз шахсиятини бошқалардан устун қўядиган, ўзига кўпроқ бино қўядиган бўлиб қолади. Шу даврда ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам шунчаки катталарга тақлид қилиб эмас, балки том маънода ўзининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, ўзининг юриш-туриши, кийиниши, ташқи кўринишига астойдил эътибор бериши, пардоз-андоз билан шуғулланиш каби ҳолатлар кузатилади.

Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улар шахсидаги эгоцентрик йўналишларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Шахснинг ўз-ўзини англаши ва улардаги эгоцентрик йўналишларни аниқлаш учун рус психологи Т.И.Пашукова томонидан ишлаб чиқилган 40 та тугалланмаган, яъни мияга биринчи келган фикр билан тўлдириш орқали аниқланадиган тест саволномасини Тошкент Давлат Педагогика университети, “Умумий психология” кафедраси илмий ходимлари томонидан 1997 йилда менталитет шароитига мослаштирилган вариантдан фойдаланилди. Бу тестни ўтказиш орқали талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улардаги эгоцентрик йўналишлари аниқланади. Ушбу методикани Бухоро Давлат университети Ижтимоий иқтисодий факультети Психология (ўзбек гуруҳи) 1 ва 4 курс талабаларига ўтказдик. Гуруҳ талабаларининг ҳар бирига биттадан анкета-тест вароғининг тугалланмаган фикрлар ёзилган варианты тарқатилади. Кўрсатма берилди. Талабалар жавоб бергач анкета-тест вароғи териб олинди Кейинчалик эса тўлдирилган вароқдаги жавоблар қайта ишлаб чиқилади.

Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улар шахсидаги эгоцентрик йўналишларни аниқлаш тести

Кўрсатма: Сизга таклиф килинган тест 40 тугалланмаган гапдан иборат. Уларнинг ҳар бирини шундай давом эттириш, яъни тўлдириш керакки, бунинг натижисида тугалланган фикр келиб чиқсин. Ҳар бир тугалланмаган гапни ўқиганингизда келган биринчи фикрни ёзишга ва тез ишлашга ҳаракат қилинг.

1.	Бундай вазиятга
2.	Энг осон йули
3.	Шу нарсага қарамасдан
4.	Қанча узоқ бўлса
5.	билан солиштирганда
6.	Ҳар бир
7.	Ачинарлики
8.	Натижада
9.	Агарда
10.	Бундан бир неча йил олдин
11.	Энг муҳим
12.	Фақат
13.	Ҳақиқатдан ҳам
14.	Ҳақиқий муаммо шундаки
15.	нотўғридир
16.	Шундай кун келдики, у куни
17.	Энг катта
18.	Ҳеч қачон
19.	Агар ишонсанг
20.	Агар мумкин бўлса
21.	Асосан
22.	Баъзида
23.	Яна бир йигирма йиллардан сўнг
24.	Ўтмишда
25.	Ҳамма гап шундан иборатки.....
26.	Ҳозирги вақтда

27.	Энг яхшиси
28.	эътиборга олганда
29.	Агар бўлмаганда
30.	Ҳар доим.....
31.	Имконият
32.	Шу ҳолда
33.	Одатда
34.	Агарда, ҳаттоки
35.	Шу вақтгача
36.	учун шарт шароит
37.	Бундан ташқари
38.	туфайли
39.	Яқиндан
40.	Фақат шу вақтдан

Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улар шахсидаги эгоцентрик йўналишларнинг сифат кўрсаткичлари

Шахснинг эгоцентрик йўналишларини аниқлаш методикасини синаб кўриш мақсадида Бухоро Давлат университети Ижтимоий иқтисодий факультети Психология таълим йўналишининг (**ўзбек гуруҳи-48**) 1 ва 4 курс талабалари иштирок этишди. Эгоцентризм индексини қуйидагича аниқладик: Талабалар томонидан тўлдирилган гапларда(анкета) кишилик олмошлари “мен”, “менга”, “меники”, “мен учун” ва хоказо) қўлланган бўлса ўз-ўзини англаши ҳамда эгоцентрик хусусиятлари яққол кўзга ташланади ва бу гапларни ҳисобга олиб биз қуйидаги жадвал бўйича аниқладик.


Жадвал №1.

Тадқиқот объекти	“Ёшларнинг ўз-ўзини англаши ва эгоцентрик йўналишлари”ни даражалари				
	Жуда паст	Паст	Ўртача	Юқори	Энг юқори
1-курс	0-1	2-7	8-22	23-30	31-40
4-курс	0-1	2-7	8-22	23-29	30-40

Ушбу методика бўйича олинган натижалар

Тадқиқот объекти	“Ёшларнинг ўз-ўзини англаши ва эгоцентрик йўналишлари”ни даражалари				
	Жуда паст	Паст	Ўртача	Юқори	Энг юқори
1-курс	-	2	4	12	5
4-курс	-	6	12	4	3

Чизма №3.

Ёшларнинг ўз-ўзини англаши ва
эгоцентрик йўналишлари

Синалувчи тўплаган баллар қайта ишлаб чиқилди. Ҳудудий яшаш жойига кўра ўсишлари бўйича ўртача қиймат кўрсатгичи ва стандарт миқдорлари меъёрига қиёсланган “ЭГО” кўрсатгичлари аниқланди. (Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва эгоцентрик йўналишлари бўйича олинган натижалари жадвалда кўрсатилган).

Олинган натижаларнинг бундай кўринишига эга бўлиши шундан дарак берадики, бу синалувчилар шахсининг ўз-ўзини англаши ва эгоцентрик йўналишларини бошқа ўрганилган тенгқурларнинг ўз-ўзини англаши ва эгоцентрик йўналишларини аниқлашга қараганда уларнинг ўз “Мен”ига бўлган йўналишининг юқори даражада шаклланганлиги аниқланди. Яъни, бу ҳолат ёшларнинг шахс хусусиятлари ва мулоқот сифатларининг **худбинлик** даражаси юқори, ва бу ҳолатлар уларда шахслараро муносабатларда муаммоларни келтириб чиқаради.

Юқори даражали эгоцентризм эгалари ўз мақсадларини амалга ошириш мақсадида бошқа одамлардан “унумли” фойдаланади. Эгоцентризмнинг **юқори** даражада ривожланганлигида **сабаб**: ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилишлари бўлиб, оддий ютуқларидан қувониш, ўзаро муносабатларда эркалатиш ва эркаланиш одатга айланиб қолади. Шунинг учун талабалик ёшига ўтганда дўстлари ва тенгқурлари даврасида ҳам ҳамма айтганлари бўлишини истайдиган, лидерликка интилувчанлигини намоён этгиси келади ва уларда қаерда бўлмасин маълум маънода бошқарувни қўлида олишни хоҳлайди ва ҳоказо.

Эгоцентризмнинг **паст** даражада ривожланишида сабаб: қаттиққўллик , бола эҳтиёжларига жуда бефарқлик ёки ота-она боланинг хулқини, кун тартибини қаттиқ назорат қилиши, унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Ўзингизни биласизми? (Непомнящая Н.И.)

Бу сўровнома таркибига киритилган саволлар талабада ўз-ўзини англашнинг шаклланганлиги ва ўз- ўзини баҳолаш ҳақида маълумотлар олишга қаратилган.

№№	Саволлар
1.	Ўзингиздан мамнунмисиз?
2.	Одамлар ўртасидаги келишмовчиликлар сизни асабийлаштирадими?
3.	Ҳаётга мустақил қадам ташлаган вақтингизни биласизми?
4.	Турли вазиятларга тушиб ўзингизни бошқачарок ҳис қилишни хуш кўрасизми?
5.	Икр-чикирларни эътиборга олмаганда табиатингиздаги жиддий нуқсонларни биласизми?
6.	Истагингиз нималардан иборат эканлигини билмаслик туйғуларини ҳис қилиб турасизми?
7.	Касал бўлганингизда унинг асл сабабини биласизми?
8.	Шахсий имкониятларингизни тўлиқ очолмаганингиздан афсусланасизми?
9.	Баъзи масалалар сизнинг қарашларингизга зид бўлса, ўзингизни тута оласизми?
10.	Баъзи воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўзингиз сезмаган ҳолда фикр билдириб турасизми?
11.	Доим вақт етишмай шошиб юрасизми?
12.	Сизнинг сажда қиладиган нарсангиз борми?
13.	Оғир шароитларда иродангизга ишонасизми?
14.	Сиз «Ҳаёт ўзгариб кетди. Яхшилик ва ёмонликка одамлар эътибор бермай қўйди»- деб ўйлайсизми?
15.	Сизни танқид қилса, унга эътироз билдирмай, бироқ қалбан уни рад этиб турасизми?


Олинган натижалар таҳлили

№№	САВОЛЛАР	1-курс 28 нафар		4-курс 20 нафар	
		Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ
1.	Ўзингиздан мамнунмисиз?	20	8	18	2
2.	Одамлар ўртасидаги келишмовчиликлар сизни асабийлаштирадими?	10	18	15	5
3.	Ҳаётга мустақил қадам ташлаган вақтингизни биласизми?	15	13	15	5
4.	Турли вазиятларга тушиб ўзингизни бошқачароқ ҳис қилишни хуш кўрасизми?	10	18	11	9
5.	Икр-чикирларни эътиборга олмаганда табиатингиздаги жиддий нуқсонларни биласизми?	6	22	14	6
6.	Истагингиз нималардан иборат эканлигини билмаслик туйғуларини ҳис қилиб турасизми?	16	12	15	5
7.	Касал бўлганингизда унинг асл сабабини биласизми?	8	20	3	17
8.	Шахсий имкониятларингизни тўлиқ очолмаганингиздан афсусланасизми?	13	15	15	5
9.	Баъзи масалалар сизнинг қарашларингизга зид бўлса, ўзингизни тута оласизми?	5	23	10	10
10.	Баъзи воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўзингиз сезмаган ҳолда фикр билдириб турасизми?	17	11	20	0
11.	Доим вақт етишмай шошиб юрасизми?	8	20	18	2
12.	Сизнинг сажда қиладиган нарсангиз борми?	28	0	11	9
13.	Оғир шароитларда иродангизга ишонасизми?	8	20	17	3
14.	Сиз «Ҳаёт ўзгариб кетди. Яхшилик ва ёмонликка одамлар эътибор бермай қўйди»- деб ўйлайсизми?	24	4	7	13
15.	Сизни танқид қилса, унга эътироз билдирмай, бироқ қалбан уни рад этиб турасизми?	12	16	20	0

Биз ушбу саволномадан ўз-ўзини англашни аниқлаб берувчи бир неча саволларни қуйидаги жадвалларда 1 ва 4-курс талабалри жавобларидан келиб чиқиб қуйидагича қиёсий таҳлил қилдик:


1. “Ўзингиздан мамнунмисиз?” саволига қуйидаги жавобларни олдик:
1-курсдаги 73 % (20 нафар) синалувчилар ва 4-курсдаги 90% (18 нафар) синалувчилар “Ҳа” деб жавоб бердилар.

Чизма № 4




3. Ҳаётга мустақил қадам ташлаган вақтингизни биласизми? саволига қуйидаги жавобларни олдик: 1-курсдаги 53 % (15 нафар) синалувчилар ва 4-курсдаги 75% (15 нафар) синалувчилар “Ҳа” деб жавоб бердилар.

Чизма №5




9. Баъзи масалалар сизнинг қарашларингизга зид бўлса, ўзингизни тута оласизми? Саволига қуйидаги жавобларни олдик: 1-курсдаги 18 % (5 нафар) синалувчилар ва 4-курсдаги 50% (10 нафар) синалувчилар “Ҳа” деб жавоб бердилар.

Чизма № 6




Оғир шароитларда иродангизга ишонасизми? саволга қуйидаги жавобларни олдик: 1- курсдаги 28 % (8 нафар) синалувчилар ва 4- курсдаги 85% (17 нафар) синалувчилар саволга “Ҳа” деб жавоб бердилар .

Чизма № 7.



15. Сизни танқид қилса, унга эътироз билдирмай, бироқ қалбан уни рад этиб турасизми? саволга қуйидаги жавобларни олдик: 1-курсдаги 43 % (12 нафар) синалувчилар ва 4-курсдаги 100%(20 нафар) синалувчилар саволга “Ҳа” деб жавоб бердилар .

Чизма №8.



Биз шундай хулосага келдик, 1-курс талабалари ўз-ўзини англаш даражаси ўртача 42-45 % ни ташкил қилса, 4-курс талабаларида бу кўрсаткич анча юқори, 80% ни ташкил қиляпти. Бундан кўриниб турибдики, ўз-ўзини камол топтириш инсонга ўзининг ютуқ ва камчиликларини, бошқаларга ўхшамаган жиҳатларини яхши англаб олишига имкон беради. Натижада инсон фазилатларини янада ошириб, нуқсонларини бартараф этишга, ўзига хослик топишга интилади ва у қаерда бўлмасин, ўқишда, тарбияда, дам олишда ўзлигини анлаш, ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Кейинги методика Р. Тошимовнинг “Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?” деб номланади. Бунда ҳар бир саволга 3 та жавоб варианты берилган ва сиз шу жавоблардан биттасини танлайсиз.

“Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?”

1. Сизни, ниманидир гапирмаслик ёки қилмаслик кераклиги ҳақидаги фикр қанчалик безовта қилади?

- а) жуда тез.
- б) баъзан.
- в) деярли ҳеч қачон.

2. Агар сиз ажойиб ва ҳозиржавоб, билимдон одам билан мулоқотда бўлсангиз, унда сиз;

- а) уни ҳозиржавобликда, билимдонликда енгиб ўтишга ҳаракат қиласиз.
- б) мусобақага киришиб кетмасдан, унинг ҳурматини жойига қўйиб суҳбатдан чиқасиз.
- в) суҳбатни давом эттирасиз ва кейин танишларингизга гапириб бериш учун унинг ҳазилларини эслаб қолишга ҳаракат қиласиз.

3. Қўйидаги фикрлардан, ўзингизга энг яқин биттасини танлаб олинг;

- а) кўпчилик учун омаддек туюлган нарсалар, аслида тинимсиз меҳнатнинг натижасидир.
- б) муваффақиятлар кўпинча вазиятлар, шароитларнинг бахтли дуч келишига боғлиқ.
- в) мураккаб вазиятларда муҳими-қатъиятлилиқ ёки омад эмас, балки сизни маъқуллайдиган ва тинчлантира оладиган одамдир.

4. Сизга ҳажвий расмингизни ёки сизга ёзилган пародияни кўрсатишди. Сиз;

- а) куласиз ва Сизда оригинал нимадир борлигидан хурсанд бўласиз

б) Сиз ҳам ўша одамдан нимадир кулгули нарсани топишга ва ундан кулишга ҳаракат қиласиз

в) ҳафа бўласиз, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қиласиз

г) эшикни ёпиб чиқиб кетасиз.

5. Сиз доимо шошиласиз, сизга вақт етишмайди ёки қиладиган вазифани бажаришга киришасиз

а) ҳа.

б) йўқ.

в) билмадим.

6. Сиз дугоналарингизга, танишингизга совға қилиш учун атир (духи) танлаяпсиз. Қанақасини харид қиласиз`

а) ўзингизга ёқадиган духини.

б) ўзингизга шахсан ёқмасада, лекин сизнинг ўйлашингизча дугонангиз хурсанд бўладиган духини.

в) яқинда телевизорда реклама қилинган духини.

7. Сиз ўзингизни, ҳаётдагига қараганда мутлақо бошқача ҳис қиладиган вазиятларда тасаввур қилишни ёқтирасизми?

а) ҳа.

б) йўқ.

в) билмадим.

8. Агар сизни тенгдошларингиз (айниқса ёшлари) сизга қараганда кўпроқ муваффақиятларга эришишса, бу сизнинг нафсониятингизга тегадими?

а) ҳа.

б) йўқ.

в) билмадим.

9. Кимнидир рад этиш, сизга қониқиш ҳиссини берадими?

а) ҳа.

б) йўқ.

в) билмадим.

10. Кўзингизни юминг ва ўзингизни уч хил рангни кетма кетликда тасаввур қилишга уриниб кўринг

а)ҳаво ранг

б)сарик

в)қизил

Қуйида келтирилган калит ёрдамида балларни ҳисоблаб чиқдик.

Саволлар жавоблар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
а	1	5	6	3	1	5	1	1	5	1
б	3	1	1	4	5	3	5	5	1	3
в	5	3	3	1	3	1	3	3	3	5

Баҳолар изоҳи

50-36 баллар - Сиз ўзингиздан розисиз ва ўзингизсиз. Сизнинг бошқалардан устунлик қилишингиз катта, ўз «мен»ингизни таъкидлашни, ўз «мен»ингизни алоқида ажратиб кўрсатишни ёқтирасиз, бироқ ўзингиз бошқаларни танқид қилишга мойилсиз. Сизнинг балларингиз қанчалик кўп бўлса, Сизга **«Ўзингизни ёқтирасиз, лекин бошқаларни ёқтирмайсиз»**-деган таъриф кўпроқ мос келади. Бироқ, сизнинг битта камчилигингиз бор, ўзингизга ҳаддан ташқари жиддий ёндашасиз, ҳеч қандай танқидий маълумотни қабул қилмайсиз. Ҳатто, агар тест натижалари сизга ёқмаса ҳам, сиз улардан **«ҳаммаси ёлғон, нотўғри»**-деб ўзингизни ҳимоя қиласиз.

37-24 баллар - Сиз ўзингиз билан келишиб яшайсиз, ўзингизни биласиз ва ўзингизга ишонишингиз мумкин. Шахсий характер сифатида ҳам, одамлар

билан бўладиган муносабатларда ҳам қийин вазиятлардан чиқа олиш йўллари топа олишдек қимматли малакага эгасиз. Сизнинг ўзингиз ва атрофингиздагиларга нисбатан бўлган муносабатларингиз формуласини «ўзидан рози, бошқалардан рози» ибораси билан ифодалаш мумкин. Сизнинг ўз-ўзингизни баҳолашингиз соғлом ва нормал. Сиз ўзингиз учун далда ва қучқувват манбаи бўла оласиз, энг муҳими буларга бошқаларнинг ҳисобидан эришмайсиз.

23-10 баллар - Эҳтимол сиз ўзингиздан норози бўлсангиз керак, сизни ўз интеллектингиз, қобилятингиз, ташқи кўринишингиз, ёшингиз, жинсингиз ва бошқалардан қониқмаслик, шубҳаланиш қийнайди. Тўхтанг! Ким сизга ўзини яхши кўрмаслигини айтди. Ҳеч ким ўзини ёмон кўрмайди. Ким сизни ўзини ўйлайдиган одам доимо ўзидан норози бўлиши кераклигига ишонтирди. Албатта ҳеч ким сиздан ўзингиздан рози бўлишингизни, ўзингиздан қониқишингизни талаб қилмайди, бироқ сиз ўзингизни ўзингиз қабул қилишингиз, ўзингизни ўзингиз ҳурмат қилишингиз керак.

Р. Тошимовнинг “Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?”

тести бўйича олинган натижалар таҳлили

№	1-курс	4-курс
1	1- курсда 75-80 % талаба кўпинча ўзидан рози ва уларнинг бошқалардан устунлик қилиши катта, ўз «мен»ини таъкидлашни, ўз «мен»ини алоҳида ажратиб кўрсатишни ёқтирадилар, бироқ ўзлари бошқаларни танқид қилишга мойил , лекин, улар ўзларига ҳаддан ташқари жиддий ёндашадилар ва ҳеч қандай танқидий маълумотни қабул қилмайдилар.	4-курсда 85-90% талаба ўзи билан келишиб яшайди, ўзига ишонади. Шахсий характер сифатида ҳам, одамлар билан бўладиган муносабатларда ҳам қийин вазиятлардан чиқа олиш йўллари топа олишдек қимматли малакага эга. 4-курс талабалари атроф- дагиларга нисбатан бўлган муносабатлари формуласини «ўзидан рози, бошқалардан рози» ибораси билан ифодалаш мумкин. Уларнинг ўз-ўзини баҳолашлари, ўзларини англашлари соғлом ва нормал. Улар ўзлари учун далда ва кучқувват манбаи бўла оладилар, энг муҳими буларга бошқаларнинг ҳисобидан эришмайсиз.
2	20-25 % талаба ўз-ўзидан норози. Улар кўпинча шубҳа билан ўзларини қийнайди.	10-15 % талаба ўзини ўзи қабул қилиши, ўзини ўзи ҳурмат қилиши керак. Чунки улар ўзларининг тутган ўрнидан ва мавқеидан норози. Шунинг учун кўп муаммоларга дуч келади

2.3. Олинган натижалар таҳлили.

Юқорида таъкидлаганимиздек, талабаларда ўз-ўзини англашнинг шаклланиши жуда кўплаб ижтимоий – психологик омиллар билан, жумладан, шахс умумий йўналганлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки, талайгина илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўз-ўзини англашга муносабат энг аввало ўз – ўзига, ўзгаларга ва фаолият натижаларига муносабатдан бошланади ва ривожланади. Албатта, бу жараёнда шахснинг ўз – ўзига талабчанлиги, таълим – тарбия жараёни, шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари, ўқув фаолиятининг педагогик – психологик талаблар асосида тўғри ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги бобларда ушбу жараён ҳақида ва ушбу жараёни тадқиқ қилишга қаратилган усуллар ҳақидаги маълумотлар батафсил баён этилган (биринчи ва иккинчи боблар). Ушбу параграфда эса биз тегишли методик ёндашувлар ва усуллар орқали қўлга киритилган эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш ва шу асосда маълум даражадаги ижтимоий – психологик мулоҳазалар юритиш масаласига кўпроқ эътибор қаратдик.

Албатта, талабаларда ўз-ўзини англашга асосланган муносабатнинг шаклланиши кенг қамровли жараёндир. Бу жараён батафсил ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш масаласини фақат битта тадқиқот натижалари орқали тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан мазкур тадқиқотда биз масаланинг бир жиҳатига яъни талабаларда ўз-ўзини англашнинг шаклланиш замирида ётувчи масалага жиддий эътиборни қаратдик. Тадқиқот давомида ҳар бир мезонни аниқлайдиган махсус анкета саволлари, тестлар, индивидуал ва гуруҳий суҳбатлар, кузатишлар, таниқли психологларнинг илмий матбуотда маълум қилинган амалий – методик ишланмаларидан ўрни билан фойдаландик. Ҳар бир олинган бирламчи ва иккинламчи натижа шартли равишда махсус тартибда қабул қилинган баллар тизими орқали таҳлил қилинди. Мазкур тартибдаги таҳлиллар эса қуйидаги маълумотларга эга бўлиш имконини берди:

- талабаларда ўз-ўзини англашни муаммо сифатида талқин қилиш.
- 1- курс ва 4- курс ўртасидаги мутаносибликка эмпирик баҳо бериш.
- талабаларда ўз-ўзини англаш динамикаси кўрсаткичларини аниқлаш.
- Қўлга киритилган эмпирик материаллар таҳлиliga асосланиб тегишли ижтимоий-психологик хулосаларни баён этиш.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган барча вазифалар тадқиқотнинг умумий талқинини ифодаловчи талабаларда ўз-ўзини англашнинг кўрсаткичлари ҳақида тегишли илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

Албатта, тақдим этилган барча рақамлар, жадваллар, чизмалар ва статистик изоҳлар талабаларда ўз-ўзини англашни шаклланиш ва намоён этилиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик қонуниятларни очиб беришга хизмат қилади.

Энди бевосита эмпирик материаллар таҳлиliga ўтамыз. Бинобарин, юқорида таъкидланганимиздек, келтирилган жадваллардан яққол ва равшан кўриниб турибдики, Т.И.Пашукованинг “Талабаларнинг ўз-ўзини англаши ва улар шахсидаги эгоцентрик йўналишларини аниқлаш”анкета-тести, “Ўзингизни биласизми?” сўровномаси, “Сиз ўзингизга қандай муносабатда бўласиз?” тести бўйича қайд этилган барча эмпирик маълумотларда талабалар (1 ва 4 курс) учун ҳарактерли бўлган ўз-ўзини англаш кўрсаткичлари турлича миқдорга эга эканлиги билан ажралиб туради. Зеро, ҳар бир эмпирик кўрсаткичнинг динамикаси замирида ўзига хос объектив ва субъектив сабаблар ва оқибатлар мавжудки, бу жараён барча қўшимча усулларни қўллаш орқали янада яққолроқ кўринади.

Шуниси қизиқарлики, ёш даври ортган сари ўз-ўзини англаш кўрсаткичи кўтарилиб бориши, яъни 4-синфга келиб 80% гача, таркиб топганлигини кузатиш мумкин. Олинган бу маълумотлар талабалр ёши улғайган сари ўз мустақил фикрига ҳамда мулоқотга эга бўлишининг ортиши ва одамлар фикрига мойилликнинг нисбатан камайиб бориши ҳақидаги тасаввурларни яна бир бор тасдиқлайди.

Қўлга киритилган бу маълумотлар умуман талабалик даврида ўқув жараёнида фаолият маҳсулига қизиқиш ва фаолият натижаларига жиддий эътиборни қаратиш масаласи кенг кўламда талқин қилиш ва шу асосда ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини баҳолаш ҳамда бошқариш ҳақидаги маълум тасаввурларни шакллантиришнинг муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Хулоса

Бугун Ўзбекистон фақат жуда бой табиий хом-ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга ҳам эгадир.

Ўзбекистон Республикасида юз бераётган туб ўзгаришлар, янгиланишлар инсон омили муаммосини янада чуқурак ва изчил равишда тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон халқининг ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатга киришуви ҳар жиҳатдан етук кишиларни камол топтириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Бугунги кунда фан техникани юқори савияда эгаллаш, жаҳон стандарти даражасига яқинлаштириш учун ўз-ўзини англаган ва мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш ва уларда ахлокий сифатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Истиқлол баҳшида этган неъматлардан бири, шубҳасиз, **ўзликни англашга** бўлган даъватдир. Юзаки қараганда, ўзликни англаш жуда оддий тушунча. Аслида бир асрдан ортиқ даврда истибдод зулмини тақдирида кўрган халқ, миллат истиқлолга етган ҳамоно ўзликни англашга даъватни бениҳоя кенг қамровли ва бевосита келажаги учун ҳаётий зарурият тарзига кўчган янгича интилиш, тушуниш, нуқтаи назар яхлитлиги дейиш мумкин. Ўз қадрини билмаган одам ўзгалар қадрини тушунмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат.

Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот - ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир", деб таъкидлаган эди. Буюк мутафаккирнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия – онг масъули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад озод ва обод

жамиятни борпо этиб бўлмайди, шу билан бирга ўз-ўзини англаш каби муқаддас хусусиятга эга бўлмайди.

Талабалар ўқишда, тарбияда, дам олишда бир неча тарбиялаш усулларида фойдаланадилар, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини англаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Ўз-ўзини англаш ҳақида гапирганимизда албатта баркамол инсон тушунчаси билан унинг уйғунлигини эътироф этамиз. Чунки баркамол инсонни шакллантириш ғояси— ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос юксак маънавий ва жисмоний мукаммаликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоядир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, хусусан, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда шахснинг ўз-ўзини англаш омилини эсдан чиқармаслик лозим. Шу билан бирга ўзликни англаш ҳаётий эҳтиёжлар ва заруриятларнинг юзага келишини тезлаштиради. Бу ҳол шахсни нафақат ўзлиги, балки миллат, халқ ва ватаннинг истикболи, фаровонлиги учун ҳаракатга йўллайди.

Демак, ўзликни англаш- шахс, миллат ва давлат тараққиётини тезлаштирувчи маънавий - маърифий омилнинг ўзак томири ҳисобланади. У айна пайтда инсон ақл-заковати, туйғуси салоҳиятининг тобора юксакликка кўтарилишини таъмин этишга хизмат қилади.

Шулардан келиб чиқиб, биз баъзи **тавсияларни** келтириб ўтишни лозим топдик:

1. Талабаларда ўз-ўзини англашни ривожлантиришда этник, ҳудудий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиш. Ушбу масалага оид психологик билимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун тренинглар ташкил этиш.
2. Талабаларда ўз-ўзини англашни алоҳида тадбирлар, машғулотлар орқали эмас, ҳар бир фанга сингдириш асосида амалга ошириш лозим.

3. Таълим муассасаларида талабалар маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбиялашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш ва буни амалга оширишда шахс, жамият, таълим муассасалари, «Камолот» ЁИХ, оила, маҳаллалар фаолиятини уйғунлаштириш;

4. Талабаларнинг ўз-ўзини англашига катта ёрдам берадиган, маънавий дунёсини бойитадиган, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кўргазмали - тарғибот воситалари, ахборот технологияси ва интернет тизимидан кенг фойдаланиш;

5. Маънавий тубанлик, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, шафқатсизлик, жангариликка даъват этувчи, диний экстримизм ақидапарастликка қарши огоҳлик ва зийракликка доир тадбирлар ўтказишни кенгайтириш;

6. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси ғояларини тарғиб қилувчи кўргазмали-тарғибот воситаларидан кенг фойдаланиш;

Биз олиб борган тадқиқот иши талабаларнинг ўз-ўзини англаши масаласига бағишланган бўлиб, келгусида таълим муассасалари тизимида бу муаммога оид илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади деб ўйлаймиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент, «Ўзбекистон», 2012
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Жилд-7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Жилд-2.-Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008 й.
6. И.А.Каримов “Соғлом авлод—миллатимиз келажак” халқ сўзи газетаси. 25.02 2000й.
7. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Шарқ”нашрети, Тошкент, 1997.
8. Абу Али Ибн Сино “Донишнома” Т...фан1979й.
9. А.Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т... Ўқитувчи. 1992й.
10. Бернс Р. Развитие Я-концепции и воспитание. – М.: Прогресс, 1986.
11. Б.Зиёмухаммадов .Комилликка элтувчи китоб.“Турон-иқбол нашрети”, Тошкент, 2006.
12. Абу Носир Фаробий. Фозил одамлар шаҳри, Т, 1993.
13. Амир Темур ўғитлари. Т, «Наврўз», 1992.
14. Гурлан. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш иш тажрибасидан. Тип. Буюртма 1206. Р-3.6004. 1983.
15. Кайковус. «Кобуснома» Т, «Ўқитувчи», 1986.
16. Маҳкамов У.И. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. -Т.: ФАН, 1995.

17. Исокова М.Т. Миллий анъаналар ва ижтимоий омиллар таъсирида илк ўспиринларда маънавий тасаввурларни шакллантириш. Фан номзоди. дисс. автореф., -Т., -1999.
18. Маматов М.М. Этнопсихологиядан маърузалар матни. ТошДУ. “Университет” нашриёти, Тошкент. - 1999. — 54 б.
19. Муомала сирлари / Дейл Карнеги тизими асосида тузилган маслахатлар. Тузувчилар: Н.С.Сафоев,Б.Т.Гаффоров.-Т.:Наврўз, 1992.
20. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида 3-қайта ишланган ва тўлдирилган русча нашр таржимаси. - Тошкент.: Ўқитувчи.1992
21. Умумий психологиядан амалий машгулотлар. А.И.Шчербаков таҳрири остида- Т.: Ўқитувчи, 1984
- 22.Шоумаров Г.Б. Психология фани: Янгиликлар, муаммолар, ечимлар. "Маърифат"рўзномаси, 12 октябрь, 1996 й.
23. Ғозиев Э.Ғ.“Ўқувчиларни ўқув фаолиятини бошқариш” Т. 1998й.
24. Усмонова Э.З. “Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин?” Т. 2000й.

Интернетдан фойдаланилган янги ахборотлар рўйхати

1. Barkamol shaxsni tarbiyalash g‘oyasi milliy mustaqillikning ustuvor vazifasi **uz.infocom.uz**
2. Barkamol, har tomonlama rivojlangan shaxsni tarbiyalash muammosi **www.connect.uz/children_forum**
3. Ma’naviy-ma’rifiy sohadagi yutuqlar barkamol shaxsni shakllantirish borasida ... **www.tdpu.uz/**
4. Shaxsni tarbiyalash va uni har tomonlama kamol toptirishning ustuvorligi ... **el.tfi.uz/pdf/buhmquq_uzl.pdf**
5. ... hisobga olgan holda ijodkor shaxsni shakllantirish **www.pedagog.uz/**
6. "inson va qonun ...barkamol avlodni shakllantirmagan yurtning kelajagidan umid qilish ... **www.minjust.uz/**

ИЛЮВА